2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 17 (806), 2023 йил 26 январь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 январь куни камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади иш ўринларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартиришдир. Бу борадаги манзилли ишлар натижасида ўтган йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушди. 1 миллион аҳоли касб-ҳунарга ўқитилиб, иш бошлашига кўмаклашилиб, камбағалликдан олиб чиқилди.

Шу даврда 200 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди, 10 мингта корхонанинг фаолияти кенгайтирилди, 11 мингта корхона қуввати тикланди.

Лекин айрим ҳудудларда сусткашликлар ҳам бор. Масалан, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида камбағалликни қисқартириш кўрсаткичи нисбатан ортда қолган. Бир қатор туман ва шаҳарларда бандлик дастури имкониятлар даражасида белгиланмаган.

Шу боис, йиғилишда бандликни таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йилги режалар муҳокама қилинди.

— Камбағалликни қисқартиришнинг асосий омили бу — аҳолини даромадли иш билан таъминлаш. Шунинг учун маъмурий ислоҳотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул 5 та идора яхлит тизимга айлантирилди. Янги вазирликка барча ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Энди, меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш ҳам, бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни маҳаллабай ривожлантириш ҳам битта вазирликда бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга 2023 йилги бандлик дастурини туманлар кесимида пухта ишлаб чиқиб, тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бунда эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, оилавий тадбиркорликка янада туртки бериш мақсадида молиявий кўмак кўлами кенгайтирилиши таъкидланди. 2022 йилда бу мақсадга қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган эди. Жорий йилда оилавий тадбиркорлик дастури учун 12 триллион сўм йўналтирилади. Бундай кредитларнинг энг юқори миқдори ҳам оширилади.

Бандликни таъминлашда яна бир катта манба бу — зироатчилик. Икки йил ичида аҳолига 200 минг гектардан зиёд ер бўлиб берилмоқда. Бу — Самарқанд вилоятининг жами пахта ва ғалла майдонидан ҳам кўп, дегани.

Лекин айрим жойларда бу ишлар пала-партиш ташкил қилиняпти, экинлар плантация усулида экилмаяпти. Шу боис, Президент ерларни аҳолига қулай жойлардан ажратиш, уларда бозорбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича кўрсатмалар берди. Бу ерлардан самарали фойдаланиб, 1 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги қайд этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари халқимизга Мурожаатномасида туман ва шаҳарлар иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилишини айтган эди.

Йиғилишда 4 ва 5-тоифаларга кирган туманларда камбағалликни қисқартириш ишлари ҳам янгича ташкил қилиниши белгиланди. Унга кўра, биринчи босқичда "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" ягона тизимга бирлаштирилиб, ҳар бир оиланинг ягона рақамли паспорти ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар тузилади. Учинчи босқичда оила учун касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилади.

Шунингдек, маҳаллаларда 300 та микромарказ ташкил этиш бошланди. Президентимиз бундай марказларни кўпайтириб, ишсиз аҳолининг ҳунармандлик ва тадбиркорлик билан шуғулланишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига Савдо-саноат палатаси билан бирга туманларнинг ҳар бири бўйича тадбиркорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари ҳудудлардаги имконият ва тажрибалар юзасидан ахборот берди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–269-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил қилишга йўналтирилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни белгилаш мақсадида:

1. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар (кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар) ҳамда улар ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган жами **бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар тизимида жами **17 447 та** штат бирликлари **қисқартирилаётганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан **қўшимча** бошқарув штат бирликларини киритиш **қатъиян тақиқлансин**.

2. **Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати ҳамда уларнинг тўлиқ (расмий) ва қисқартма номлари** 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ–3358-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари **уч ҳафта муддат**да ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятини **мутлақо янги тизим асосида ташкиллаштиришни** назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини киритсин**. Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

вазирлик ва идораларнинг аниқ **асосий фаолият йўналишларини** белгилаш, қабул қилинган **ривожлантириш дастурлари, стратегиялар** ва **концепцияларни** амалга ошириш;

Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ТАРИХИЙ ТАФАККУРСИЗ БУЮК КЕЛАЖАК БЎЛМАЙДИ

Маънавият кенг қулоч ёйган, маданият юксалган, илм тараққий этган мамлакатлардагина адолатли жамият қурилиши ва бир-бирига меҳр-оқибатли инсонлар етишиб чиқиши мумкин. Бундай халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, эзгуликка интилиши кучли бўлади.

Маънавият, маърифат ва тарбия биз учун шу қадар муҳим экан, бугун ёш авлодга қандай тарбия беряпмиз, уларнинг маънавиятини қандай юксалтиряпмиз ва улардан нимани кутамиз, деган саволларга аниқ жавобларимиз бўлиши зарур. Халқнинг, миллатнинг буюклиги, бугунги глобаллашган замонда яшовчанлиги, тараққий этиши унинг маънавияти, маърифати, тарбияси ва тафаккури билан боғлиқ. Буюк мутафаккирларимиз асарларини варақласак, бу ҳақиқатга бот-бот амин бўламиз. Улуғ педагог, маърифатпарвар жадид бобомиз Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир", деган сўзлари фикримиз далилидир. Юнон файласуфи Арасту масалага янаям кенгроқ баҳо беради: "Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади".

Давоми 6-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ: ЭНЕРГЕТИК БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМИ

Бу йилги қишни айрим мутахассислар сўнгги 50 йилда кузатилган энг қаҳратон фасл, дея баҳолади. Бинобарин, устма-уст ёққан ёмғир, қор ва айниқса, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши кўпчилигимизни бесаранжом қилгани бор гап. Январнинг иккинчи ўн кунлигидаги совуқ эса кейинги йиллар мобайнида шу даврда кузатилган ўртача ҳароратга нисбатан анчагина пастлиги билан бу борадаги ноқулайликларни юзага келтирди.

Бундай совуқ об-ҳаво шароитида табиий газ босимининг пасайиши ва электр энергияси таъминотида ўрнатилган чекловлар соҳада муаммолар борлиги, аниқроқ айтганда, талабга нисбатан таклифнинг етарли эмаслигини кўрсатди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бизда электр энергиясига эҳтиёж қанча-ю, уни қаноатлантириш учун қанча миқдорда энергия ишлаб чиқарилмоқда, умуман, муаммони бартараф этишнинг йўли қандай?

Шундай кезларда аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида табиий газ босимининг пасайиши, автотранспорт воситаларига суюлтирилган газ қуйиш шохобчаларидаги чекловлар бир томондан мантиқий. Чунки ҳаво ҳарорати тушиб кетган бир пайтда электр энергиясига талаб кескин ошади. Ўзбекистонда мавжуд электр энергиясининг 90 фоизи иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бунинг қарийб 85 фоизи эса табиий газ воситасида олинади. Демак, бундан кўринадики, муаммонинг асосий илдизларидан бири электр энергияси барқарорлигига бориб тақалади.

Хўш, унда электр энергияси таъминотидаги узилишлар қандай пайдо бўлмоқда? Маълумки, мамлакатимизда "Инсон қадри учун" ғояси асосида аҳоли фаровонлигини ошириш чоралари кўриляпти, тадбиркорлик ривожига кенг йўл очилди. Пировардида, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, юртдошларимиз турмуш даражаси яхшилангани сари энергияга талаб ҳам ошиб боряпти. Хусусан, сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоиз, шу жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошган. Бу кўрсаткич йилига 6 фоиздан ўсиб бормоқда.

Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

Элчи Хуршид МИРЗОҲИДОВ:

"ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ"

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи арафасида "Дунё" АА мухбири мамлакатимиз элчиси Хуршид Мирзоҳидов билан икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

Давоми 2-бетда

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

ДУНЁ ЙЎЛЛАРИ ЧОРРАҲАСИДА

ёхуд янги транспорт йўлаклари Ўзбекистон ва минтақага қандай манфаат келтиради?

Транспорт — иқтисодиётнинг асосий қон томирларидан бири, мамлакат тараққиёти инъикоси. Кейинги пайтда тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро йўлакларни кенгайтириш, минтақанинг транзит логистикаси салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Мустақиллик йилларида 2 минг 400 километрдан ортиқ янги темир йўл барпо этилгани, мавжудларининг 3 минг километрдан зиёди электрлаштирилгани, 1 минг 100 километр қисми қайта тиклангани бунинг амалий ифодаси. Охирги уч йилда автомобилда халқаро юк ташишда маҳаллий корхоналар улуши 60 фоиздан ортди, 1 минг 500 километр автомобиль йўли қурилди.

Давоми 3-бетда

26 ЯНВАРЬ — ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНИ

Маниш ПРАБҲАТ, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси:

"ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЖАДАЛ СУРЪАТДА ЎСИБ БОРМОҚДА"

Бугун мамлакатимиз миллий ҳаётидаги энг муҳим саналардан бири. 1950 йил 26 январь куни мамлакат Конституцияси кучга кириб, Ҳиндистон республикага айланган эди. Айни пайтда Республика кунининг 73 йиллиги нафақат Ҳиндистон, балки чет элларда ҳам кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Узоқ йиллик миллат қурилишида Ҳиндистон дунёдаги энг йирик демократия, бешинчи йирик иқтисодиёт, космик, ядро, ахборот технологиялари, тиббиёт ва бошқа илмий ва технологик соҳаларда энг яхши давлатлар қаторида туриб, кўплаб ютуқларга эришганидан фахрланади. Ҳиндистон ташқи сиёсати дунёда тинчлик ва барқарорликни тарғиб қилиш асосига қурилган.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

соҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган **масалаларга ечим** топишга йўналтирилган **ташкилий-ҳуқуқий** ва **молиявий** чора-тадбирлар, **аҳоли** учун **қулай шароитлар** яратиш, фуқароларнинг **тизимли муаммоларини** ҳал этиш;

бюджет маблағларидан **мақсадли ва оқилона фойдаланиш**, давлат харидлари **шаффофлигини ошириш**, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратиш орқали давлат харидлари жараёнида **рақобатни** ривожлантириш;

энергияни тежаш, унинг самарадорлигини ошириш ва соҳага **қайта тикланувчи энергия манбаларини** кенг жалб қилиш;

тегишли соҳаларда **давлат-хусусий шериклик** ва **аутсорсинг** механизмларини кенг жорий қилиш, 2023 йилдан бошлаб вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотларининг айрим функцияларини босқичма-босқич **хусусий секторга ўтказиш**;

лицензиялаш ва **рухсат бериш** тартиб-таомилларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича **таклифлар тайёрлаш**. Бунда, лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат талаб этиладиган фаолият тури, уларни бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сони, хизмат кўрсатиш вақти ҳамда уларни бериш учун тўловлар (йиғимлар) **миқдорини камайтириш**;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (уларга хизмат кўрсатиш, давлат томонидан субсидия тақдим этиш, имтиёз бериш ва бошқача тартибда қўллаб-қувватлаш) ҳамда **аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш**;

соҳани ривожлантириш дастурлари учун жалб қилинадиган **грант** ва **техник кўмак маблағларининг** прогнози ҳамда унинг аниқ йўналишларини белгилаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш **гуруҳлари фаолиятини** қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар тизимидаги давлат унитар корхоналари (муассасалари), масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда давлат улуши бўйича акциялар пакети бошқарувига берилган хўжалик юритувчи **субъектларнинг фаолиятини** қайта кўриб чиқиш, шунингдек, улардаги давлат улушини **хусусийлаштириш** бўйича таклиф тайёрлаш;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан назорат функцияларини "**хавфни таҳлил этиш**" тизими натижалари асосида амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, уларни **мувофиқлаштириш** ва **назорат функцияларини мақбуллаштириш**;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига **давлат хизматлари** кўрсатишнинг **моделини такомиллаштириш**;

вазирлик ва идораларда ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотлар кесимида **коррупция авж олган соҳаларда** унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш асосида ушбу соҳаларнинг ҳар бирига "ташхис қўйиш" ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш;

соҳага **ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий этиш, шу жумладан, вазирлик ва идораларнинг иш жараёнини **рақамлаштириш**;

соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг **касбий маҳорати** ва **масъулиятини** ошириш, тизим ташкилотларига ташаббускор, фидойи, садоқатли, ўз устида доимий ишлайдиган **кадрларни жалб қилиш** ҳамда уларнинг **салоҳиятини доимий равишда ошириб бориш**;

вазирлик ва идораларнинг **ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш**, улар таркибига киритилган муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш;

қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир-бирига мувофиқлаштириш**.

4. **Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда лавозимларни жорий этишга оид ягона талаблар** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари штатлар жадвалларини ишлаб чиқиш ва рўйхатдан ўтказишда мазкур Фармон билан тасдиқланаётган ягона талабларга **қатъий амал қилсин**.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудбиев**) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (**Б.Мусаев**) билан биргаликда **уч ой муддат**да вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларни хатловдан ўтказиш ҳамда **ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимларни киритиш бўйича штат нормативларини** тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари белгиланган вазифаларининг бажарилишини ҳамда давлат хизматлари кўрсатилишининг **узлуксизлигини** таъминлаш мақсадида **уч кун муддат**да ўз раҳбарлари ўринбосарлари ўртасида **аниқ вазифалар** ва **функцияларни** тақсимлаб, улар фаолиятини самарали ташкил қилсин, шунингдек, ажратилган маблағлар доирасида вазирлик ва идораларнинг **марказий аппарати,** ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг **вақтинчалик тузилмаларини, штат бирликларини** ҳамда **низомларини тасдиқласин**. Бунда:

қайта ташкил этилган, бўйсунуви ўзгартирилган ва тугатилган давлат бошқаруви органларининг **тузилмаси** ва **штат бирликлари** инобатга олинсин;

иш ҳақи ва бошқа харажатлар **вақтинчалик харажатлар сметаси** доирасида амалга оширилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига вазирлик ва идораларда штат бирликлари мақбуллаштирилиши натижасида ходимлар билан ойлик иш ҳақлари бўйича якуний ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг вақтинчалик харажатлар сметасида, истисно тариқасида, зарур маблағларни **2023 йилнинг 1-чораги учун режалаштиришга рухсат берилсин**.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудбиев**) **вазирлик ва идоралар** раҳбарлари томонидан тасдиқланган штат бирликлари доирасида иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун белгиланган тартибда **маблағ ажратилишини таъминласин**.

6. **Ўзбекистон Республикаси Президенти** ҳамда **Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари** билан тасдиқланган вазирлик ва идораларнинг марказий аппаратлари, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг **тузилмалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин**.

7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (**Б.Мусаев**) маъмурий ислоҳотлар доирасида янги ташкил этилган вазирлик ва идораларга **штатлар жадвалини тузиш**, **ходимларни ишга қабул қилиш**, **меҳнат муносабатларини давом эттириш** ва **бекор қилиш**ни расмийлаштириш бўйича тушунтириш ишларини, шунингдек, **меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши устидан назоратни** амалга оширсин.

Белгиланснки, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда янги раҳбарият шакллангунга қадар ходимларни ишга қабул қилиш ва меҳнат муносабатларини расмийлаштириш ишлари мазкур идораларда амалда фаолият юритаётган **раҳбарлар** (раҳбарлар мавжуд бўлмаса, уларнинг ўринбосаридан бири) **томонидан амалга оширилади**.

8. Белгилаб қўйилсинки:

янги ташкил қилинган ва қайта ташкил қилинган вазирлик ва идоралар фаолияти тугатилган ёки қайта ташкил қилинган вазирлик ва идораларнинг тегишли **ҳуқуқ ва мажбуриятлари** бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади**;

2023 йил 1 январдан бошлаб қайта ташкил этилган ва фаолияти тугатилган давлат органларининг иш юритувида бўлган лицензиялаш, рухсат бериш, хабардор қилиш ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги **ҳужжатлар** ва **аризалар тегишлилиги** бўйича янги ташкил этилган ҳамда тугатилаётган ташкилотнинг тегишли функциялари ўтказилган **вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади**;

давлат унитар корхоналарида ходимлар **сони**, уларнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш** ва **рағбатлантириш шартлари** ҳамда **хизмат автотранспорт** воситаларининг чекланган сони ва турларини тасдиқлашда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан **мажбурий равишда** келишилади.

Адлия вазирлиги (**А.Ташкулов**) Рақамли технологиялар вазирлиги (**Ш.Шерматов**) билан биргаликда **уч кун муддат**да:

барча янги ташкил этилган вазирлик ва идоралар **Ягона интерактив давлат хизматлари порталига** ва "**Лицензия**" ахборот тизимига уланишини;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва "Лицензия" ахборот тизими орқали келиб тушган ва кўриб чиқиш жараёнида бўлган ҳужжатлар ва аризаларнинг тегишлилиги бўйича янги ташкил этилган вазирлик ва идоралар орасида **қайта тақсимланишини таъминласин**.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудбиев**) **уч ой муддат**да:

юридик мақомга эга бўлган жамғармалар ижро этувчи органларининг (дирекциялар, бошқарув қўмиталари ва департаментлари ҳамда бошқалар) фаолиятини **тугатиш**, уларнинг **функцияларини тегишли вазирлик ва идораларга ўтказиш**;

вазирлик ва идораларда **хизмат автотранспорт воситаларидан** фойдаланиш тизимини илғор тажриба асосида танқидий таҳлил қилган ҳолда, уларнинг сонини ва сақлаш харажатларини қисқартириш, мазкур вазифани **аутсорсинг тизими асосида ташкил этиш** юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Адлия вазирлиги (**А.Ташкулов**) вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддат**да қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига **тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини** киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 январь

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

Элчи Хуршид МИРЗОҲИДОВ:

"ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ"

Бошланиши 1-бетда

— Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорликнинг замонавий ҳолати ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон — Қирғизистон ўртасидаги серқирра ришталарнинг мустаҳкам пойдевори ва асосий тамойилларини умумий тарих, кўп асрлик ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик анъаналари бирлаштириб туради.

Икки давлатнинг замонавий алоқалари қисқа давр ичида сезиларли даражада мустаҳкамланди ва кенгайди. Олий ва юқори даражалардаги, шу жумладан, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар — БМТ, МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги мунтазам учрашувлар ҳамкорликнинг юқори даражада эканлигининг яққол тасдиғидир.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаровнинг 2021 йилдаги самарали учрашуви барча соҳалардаги муносабатлар ривожида янги босқични бошлаб берганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шунингдек, 2022 йили Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувида иштироки доирасида Қирғизистонга, Қирғизистон Президентининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари доирасида Ўзбекистонга амалий ташрифлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, мамлакатимиз делегацияларининг Қирғизистонга қатор юқори даражадаги ташрифлари амалга оширилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг сиёсий иродаси ҳамда икки томонлама ҳукуматлараро комиссиянинг машаққатли меҳнати самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги давлат чегарасини делимитация қилиш бўйича энг мураккаб масалалар ҳал этилди. Ва бу бизнинг ўзаро муносабатларимиздаги жуда улкан натижалардир!

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланишида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Сўнгги 6 йил мобайнида ўзаро товар айланмаси ҳажми 7 баробардан кўп ўсди ва 2022 йили унинг ҳажми 1,26 миллиард долларга етди. Саноат ва инвестиция кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлик равнақ топмоқда.

— Бўлажак давлат ташрифидан нималар кутилмоқда ва икки давлат раҳбарлари томонидан ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун қандай устувор йўналишлар белгиланади?

— Ўзбекистон Президентининг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янада ривожлантириш учун улкан аҳамият касб этади.

Буни ташриф давомида имзолаш учун тайёрланган ҳужжатлар тўплами ҳам тасдиқлайди.

Қирғизистонда автомобиль ва тижорат техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Инвестициялар бўйича Миллий агентлик ўртасидаги меморандум, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қирғизистон Республикаси Иқтисодиёт ва савдо вазирлиги ўртасида саноатнинг устувор йўналишларини ривожлантириш тўғрисидаги меморандум, 2023-2025 йилларга мўлжалланган, аниқ қўшма лойиҳаларни ўз ичига олган савдо-иқтисодий ҳамкорлик комплекс дастури, сиёсий, маданий-гуманитар соҳалардаги қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ўрин тутишини таъкидлаш лозим. Чегарадош вилоятлар, жумладан, Наманган ва Жалолобод, Андижон ва Ўш, Фарғона ва Баткен вилоятлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

> **Қирғизистонга олий даражадаги ташриф арафасида Бишкек шаҳрида икки давлат вилоят ҳокимликлари раҳбарлари ва тадбиркорларини кенг жалб этган ҳолда бизнес-форум бўлиб ўтади. Икки давлатнинг ваколатли давлат органлари ва тадбиркорлари 1,5 миллиард долларлик янги инвестиция шартномалари ва савдо шартномаларини имзолаши кутилмоқда.**

Гидроэнергетика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик жуда муҳим йўналиш ҳисобланади.

— Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Қирғизистон аҳолиси, айниқса, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралар, фан ва маданият вакилларида қандай қизиқиш уйғотмоқда?

— Қардош Қирғизистонда кенг жамоатчилик, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва илмий доиралар вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қизиқиш билан кузатиб, ижобий муносабатда бўлмоқда. Мамлакатимиз янгиликлари энг оммабоп босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, блогерлар томонидан мунтазам ёритиб борилмоқда.

Қирғизистон экспертлари кўпинча валюта курсларини унификация қилиш, валюта бозорини либераллаштириш, жорий амалиётлар учун конвертацияни таъминлаш, товарлар ва одамларнинг трансчегаравий ҳаракатидаги қатор маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, божхона тўловларини камайтириш, банк сектори ва пул муомаласини ислоҳ қилиш, солиқ соҳасидаги туб ўзгаришлар, қатор маъмурий чекловлар ва бизнес юритиш харажатларини қисқартиришдаги муваффақиятли натижаларни мунтазам эътироф этади.

Маъмурий ислоҳотлар, аграр соҳадаги ўзгаришлар, давлат корхоналарини таркибий ўзгартириш ва хусусийлаштириш каби бошқа қатор муҳим йўналишларда ҳам қирғиз экспертлари, сиёсатчилари, иқтисодчилари ва ишбилармон доиралари вакиллари томонидан ижобий фикрлар билдирилмоқда.

— Ўзбекистон кейинги йилларда хорижлик сайёҳлар учун жозибадор масканга айланди. Мамлакатларимиз ўртасида бу борадаги ҳамкорлик истиқболлари қандай?

— Мамлакатларимиз ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Авваламбор, биз яқин қўшнилармиз, Ўзбекистонда кўплаб қирғизларнинг қариндош-уруғлари, дўстлари бор.

Оилавий мулоқотдан ташқари, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси ҳам катта қизиқиш уйғотади. Мамлакатимиз Марказий Осиёда туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан туризм инфратузилмаси тубдан янгиланиб, бу соҳага давлат томонидан кўмак берилаётгани Қирғизистон экспертлари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Жаҳон илм-фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсонлар яшаб, ижод қилган қадимий шаҳарлар, меъморий обидалар билан танишиш истагида бўлган қирғизистонлик сайёҳлар сони ортмоқда. Мавжуд маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистонга Қирғизистондан 1 миллион 300 минг нафардан ортиқ, ўз навбатида, Қирғизистонга қарийб 2,5 миллион нафар фуқаро ташриф буюрган. Қулай жуғрофий жойлашув, тўғридан-тўғри ҳаво ва автобус қатновларининг мавжудлиги мамлакатларимиз ўртасида туризмни ривожлантириш учун жуда қулай шароит яратмоқда.

"Дунё" АА

26 ЯНВАРЬ — ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНИ

Маниш ПРАБҲАТ, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси:

"ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЖАДАЛ СУРЪАТДА ЎСИБ БОРМОҚДА"

Бошланиши 1-бетда

Бу йил Ҳиндистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) ва "Катта йигирматалик" раиси бўлиш вазифасини ўз зиммасига олган. Иккала ўринда ҳам мамлакатимиз инклюзив иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш, пандемиядан қутулиш, молиявий барқарорлик, озиқ-овқат, ёқилғи, ўғитлар инқирозига ечим топиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотларда ислоҳотлар қилиш каби долзарб масалаларга эътибор қаратишга интилади.

Шу йилнинг январь ойи бошида Ҳиндистон "Глобал Жануб овози" онлайн саммитини ташкил қилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди Жаноби Олийлари мезбонлиги доирасидаги саммитда таниқли иштирокчилар қаторида бўлди.

> **Саммит ривожланаётган мамлакатлар масалаларига бағишланди ва Ҳиндистон томонидан "Катта йигирматалик" раислиги остида амалга оширилган муҳим ташаббуслардан бирига айланди.**

Ҳиндистон ва Ўзбекистон стратегик ҳамкорлар сифатида минтақа ва дунёдаги ҳамкорликка ҳисса қўшиш, терроризм, Афғонистон муаммоси, минтақадаги алоқа, қайта тикланувчи энергия манбалари ва инфратузилмасини барқарор ривожлантириш каби замонавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган умумий саъй-ҳаракатларга содиқдир. Ҳиндистон — Ўзбекистон ўзаро савдо ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Олий таълим, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, маданият, кино ва ёшлар алмашинуви соҳаларидаги ҳамкорлигимиз жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда.

ШҲТ саммити доирасида 2022 йилнинг сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида Бош вазир Нарендра Моди Жаноби Олийлари ва Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ўртасида самарали учрашув бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари нафақат икки томонлама, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШҲТ ва Ҳиндистон — Марказий Осиё саммитининг кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга қарор қилди.

Шунингдек, Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда Ҳиндистон Конституциясининг ўзбек тилига таржимаси якунлангани ҳақида ўқувчиларга мамнуният билан хабар берамиз. Ушбу таржима Ўзбекистондаги талабалар ва кузатувчиларнинг Ҳиндистон сиёсати тўғрисида хабардорлигини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, Ҳиндистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2023 йилни "Халқаро тариқ йили" деб эълон қилганини маълум қилишдан жуда хурсандмиз. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти озиқ-овқат муаммоси тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, тариқ арзон ва тўйимли озуқа эканлигини тан олади. Бу эса озиқ-овқат истеъмол қилишда тежамкорлик билан фойдаланишни тарғиб қилиш ва барқарор ривожланишнинг глобал ҳаракатига ҳисса қўшган ҳолда, агро озиқ-овқат тизимларини такомиллаштиришга ундайди.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ДУНЁ ЙЎЛЛАРИ ЧОРРАҲАСИДА

ёхуд янги транспорт йўлаклари Ўзбекистон ва минтақага қандай манфаат келтиради?

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

ТАШАББУСЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

Жаҳон банки маълумотларига кўра, пандемия арафасида дунё транспорт хизматларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги миқдори 4,3 триллион доллар (6,9 фоиз) ҳажмида баҳоланиб, йилига 110 миллиард тонна юк ва 1 триллиондан ортиқ йўловчи ташилган, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 миллионни ташкил этган. Коронавирус пандемияси ва давлатлараро зиддиятлар туфайли бу кўрсаткичлар анча пасайиб кетди. Транспорт тузилмаси ўз қаддини эндиэнди тиклай бошлади.

— Марказий ва Ғарбий Осиёдаги 11 давлатдан 8 таси тўғридан-тўғри денгиз йўлига чиқиш имкониятига эга эмас, — дейди Осиё тараққиёт банки вице-президенти Венцай Жанг. — Бу минтақада транспорт коммуникацияси жадал тараққий эттиришни тақозо этади.

Экспертлар фикрича, бугунги кунда Осиё ва Европа ўртасидаги қитъалараро савдо юкларининг 90 фоизи денгиз орқали ташилмоқда. Денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган ривожланаётган давлатлар экспорт даромадларининг тахминан 18 фоизини транспорт хизматлари учун сарф қилади, ривожланган давлатларда эса бу қиймат 9 фоизни ташкил этади.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) маълумотларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари учун транспорт харажатлари кўпинча импорт қилинадиган товарлар қийматининг 70-80 фоизигача етади. Бу эса сўнгги пайтларда Марказий Осиё минтақаси давлатлари халқаро ҳамиятга молик бўлган транспорт имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга туртки бермоқда. Қолаверса, божхона тартиб-таомилларининг мукаммал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизгача бўлган қисмини беҳуда йўқотмоқда. Жаҳон банкининг логистика соҳасидаги самарадорлик индексига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари 167 давлат орасида қуйи ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Мамлакатимиз учун транспорт йўлакларини диверсификация қилиш, жаҳон бозорларига тез ва эркин чиқиш жуда муҳим, — дейди Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳкамов. — Шу боис, давлатимиз раҳбари халқаро анжуманларда бу масалани мунтазам кўтариб, амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Қўшни ва манфаатдор мамлакатлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар жадаллаштирилмоқда.

Эътиборга молик жиҳати, кейинги даврда барча даражадаги мулоқотлар фаоллашди, амалий, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали алоқаларни йўлга қўйиш борасида муҳим қадамлар ташланди. Бу жиҳатдан Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган биринчи маслаҳат учрашуви ва ундан кейинги бу борадаги юқори форматдаги мулоқотлар катта аҳамият касб этяпти. Бинобарин, 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилингани минтақавий ҳамкорликни янги босқичга кўтарувчи тарихий воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё минтақаси транспорт масалаларига бағишлаб 2018 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган халқаро форумга йўллаган табригида мамлакатларнинг кооперация алоқаларини самарали йўлга қўйиш натижасида унинг ялпи ички маҳсулоти ўн йилда камида икки баробар кўпайиши мумкинлигини ҳисобга олиб, “Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон — Ҳиндистон” субминтақавий транспорт йўлагини шакллантиришга киришилганини, “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли қурилиши заруратини алоҳида қайд этган эди. Чунки истиқболда бу йўл “Шарқ — Ғарб” лойиҳаси доирасида Хитойдан бошланадиган, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган, кейинчалик янги барпо этилган “Боку — Тбилиси — Карс” темир йўл магистрали орқали Жанубий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ўрта ер денгизи портларига олиб чиқадиган янги транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб қолади.

Ушбу жараёнга Афғонистонни ҳам жалб этиш муҳим. Қуриб битказилган “Ҳайратон — Мозори-Шариф” темир йўли ва лойиҳалаштирилаётган “Мозори Шариф — Ҳирот” магистрали “Шимол — Жануб” лойиҳаси доирасида Эрон, Покистон ва Ҳиндистон темир йўлларига ҳамда Чобаҳор ва Гвадар портларига чиқиш имконини беради.

ШҲТ доирасида ҳам ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар ташкилотнинг кенг ҳудудида улкан транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилмоқда. Транспорт лойиҳалари орқали Ўзбекистон ўз ҳамкорлари билан биргаликда “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой”, “Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар”, “Ланчжоу — Қашқар — Иркишом — Ўш — Андижон —Тошкент — Мари” ва ҳозирги геоиқтисодий вазиятда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа транспорт йўлакларини барпо этиш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенциянинг қўшимча баённомасини имзолади. Бу ҳужжат 2020 йил 26 сентябрдан кучга кирди ва электрон юк хатини жорий этиш йўли билан шартномаларни расмийлаштириш тартиб-таомилини соддалаштириш ҳамда тезлаштиришни ҳам қамраб олади.

Минтақа давлатлари ўртасидаги савдо-сотиқ салоҳиятини ривожлантириш имкониятлари, аслида, шуни тақозо этади. 2020 йил якунларига кўра, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги умумий савдо айланмаси 4,4 миллиард долларни ёки уларнинг умумий ташқи савдо айланмасининг 3,2 фоизини ташкил этди. Савдо айланмасидаги энг катта улуш Қозоғистон (52,8 фоиз), Ўзбекистон (31,2 фоиз) ва Туркманистон (10,4 фоиз) ҳиссасига тўғри келган.

BCG халқаро консалтинг компаниясининг “Марказий Осиё инвестицияси: битта минтақа, кўп имкониятлар” (Investing in Central Asia: one region, many opportunities) ҳисоботида эътироф этилишича, 2018 йилдан кейинги 10 йил давомида Марказий Осиёнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича салоҳияти 170 миллиард долларгача, шу жумладан, қайта ишлаш саноатига 40-70 миллиард долларга қадар баҳоланмоқда. Минтақа мамлакатлари экспорти ва Жанубий Осиё давлатлари импорти таркибини қиёсий таҳлил қилиш кўрсатдики, бир-бирига мос келадиган товар буюмларига кўра, Жанубий Осиё мамлакатлари импорти қарийб 560 миллиард долларга етади.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

ШАРҚУ ҒАРБНИНГ ТРАНСПОРТ КЎПРИГИ

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, Шарқ билан Ғарбни, Шимол билан Жанубни боғлайдиган муҳим чорраҳада жойлашган. Бироқ денгиз ва океан портларидан анча узоқдаги мамлакат. Шу боис, минтақада экспорт ва импорт қилинадиган халқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш учун асосий транспорт тури темир йўл ҳисобланади.

Бугунги кунда юртимиздаги мавжуд йўналишлар орқали энг яқин ва энг олисдаги портларгача бўлган масофа 1600 километрдан 8700 километргача, юкларни портларга етказиш муддати эса 11 кундан 22 кунгачани ташкил этади.

Бундан беш йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан 2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш бўйича комплекс дастур қабул қилинган эди. Унда “Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон”, “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” халқаро транспорт йўлаклари, шунингдек, Эрон (Бандар-Аббос, Чобаҳор) ва Покистон (Гвадар, Карачи) денгиз портларига чиқиш учун трансафғон транспорт йўлагини қуриш бўйича эришилган келишувларни жадаллик билан ҳаётга татбиқ қилишга алоҳида аҳамият қаратилди.

2022 йил 14 сентябрь куни Самарқандда бу лойиҳа бўйича уч томонлама англашув меморандуми имзоланган эди. Мазкур ҳужжат билан Қирғизистон ҳудудидаги темир йўл қурилиши лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишларни 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида якунлаш белгиланган. Унда томонларнинг иштироки, молиялаштириш ва харажатларни тақсимлашга аниқлик киритилган.

— Бугунги кунда 454 километр узунликдаги “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича дастлабки барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди Илҳом Маҳкамов. — Бу ҳақда бундан бир ярим ой олдин Президентимизга ҳисобот бердик. Ўтган йил ноябрь ойида Хитойнинг Биринчи лойиҳа тадқиқот институти томонидан дала-тадқиқот ишлари бажарилди. Режадаги ишлар ҳам аниқ белгилаб олинган. Хусусан, лойиҳа офиси ташкил этилади, халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказилади.

Мазкур режага биноан, яқинда Бишкекда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича лойиҳа офиси очилди. Унинг асосий мақсади лойиҳани амалга татбиқ этишни жадаллаштириш бўйича қўшма чора-тадбирларни мувофиқлаштиришдан иборат. Янги транспорт йўлаги ишга тушса, мавжудларига нисбатан Хитойгача масофа 900 километрга, юкларни етказиб бериш вақти эса 2-3 кунга қисқаради. Ўз-ўзидан транспорт харажатлари тежалади.

Таҳлилчиларнинг қайд этишича, лойиҳа Хитойдан Ўзбекистон орқали Европага ташувларни ҳамда савдо географиясини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, кейинги йилларда глобал иқтисодиётда юзага келаётган қатор муаммолар имкон қадар кўпроқ транспорт транзитлари бўлишини тақозо этмоқда. Магистраль Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистонни Каспий денгизи портлари ва ундан кейин Европа, келгусида эса трансафғон темир йўли орқали Покистон ва Ҳиндистон портлари билан боғлашга ҳам хизмат қилиши мумкин.

ТРАНСАФҒОН ТЕМИР ЙЎЛИ ВА ДЕНГИЗ ПОРТЛАРИ

Ўзбекистон ташаббуси билан ўзаро иқтисодий алоқаларни қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида 2021 йилнинг 2 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ўртасида “Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлини қуриш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилиниб, бу борадаги ишлар 2021 йилнинг кузида бошланиши мўлжалланган эди. Бироқ Афғонистондаги вазият бу режани амалга ошириш имконини бермади. “Толибон” ҳаракатининг муваққат ҳукумати бир қанча музокаралардан сўнг лойиҳага қўшилди. Ўтган йил январь ойида темир йўлнинг дастлабки йўналиши тасдиқланди.

— Президентимизга ўтган йил 16 декабрь куни транспорт ва логистика йўналишларини қайта кўриб чиқиш жараёнида Афғонистон ҳудуди орқали қурилиши режалаштирилаётган “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” лойиҳасининг бажарилиши бўйича ҳам ҳисобот бердик, — дейди “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Ҳусниддин Ҳосилов. — Ушбу йўналишнинг узунлиги 765 километрни ташкил этади. Уч мамлакат мутахассислари иштирокида лойиҳадаги трассани аниқлаш жараёнида топографик космик тасвирлардан фойдаланишга тўғри келди. Ундан кейин махсус гуруҳ томонидан бу ҳудуд яна кўздан кечирилди. Натижада лойиҳанинг биринчи ёндашувидаги техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни чиқаришга эришилди. Асосий вазифаларимиздан бири — Покистон ва Афғонистон билан биргаликда уч томонлама лойиҳа офисини тузишимиз ҳамда уни амалга ошириш учун “йўл харитаси”ни келишиб олишимиз керак. “Бошстранслойиҳа” институти мутахассислари тайёрлаётган лойиҳа халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Шулардан келиб чиқиб, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси тайёрланади.

Трансафғон темир йўли қурилиши дастлаб тахмин қилинганидан деярли икки баробар қимматга тушиши айтилмоқда. Лойиҳанинг янги смета қиймати Покистон Сенатининг темир йўл инфратузилмаси қўмитаси йиғилишида кўриб чиқилиб, 8,2 миллиард долларга баҳоланди. Шунингдек, Афғонистоннинг мураккаб рельефи ҳисобга олинадиган бўлса, прогноз қилинган харажатлар тахмин қилинаётганидан сезиларли даражада ошиши мумкинлиги билдирилди.

Мазкур йўлак Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Афғонистонни Покистон ва Ҳиндистон портларига олиб чиқишда муқобил темир йўлга айланиб, айни пайтда фаолият кўрсатаётган “Шимол — Жануб” йўлагига нисбатан 500-600 километр қисқароқдир.

Покистон Ўзбекистон учун қарийб 230 миллионлик нуфусга эга улкан бозор. Шунингдек, Карачи, Қосим ва Гвадар денгиз портлари Яқин Шарқ, Африка давлатлари ва Ҳиндистон бозорига чиқиш имкониятини беради.

Экспертлар таҳлилича, “Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилиши биринчи босқичда Ўзбекистондан Покистонга юк ташиш вақтини 30-35 кундан 10-15 кунгача қисқартиради. Шунингдек, транспорт харажатларини Россия ва Покистон ўртасида 15-20 фоиз, Марказий Осиё ва Покистон давлатлари ўртасида эса 30-35 фоизгача камайтириши мумкин.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Покистондан Ўзбекистонга юк ташиш 35 кун эмас, 3-5 кун давом этиши, битта стандарт юк контейнерини ташиш нархи қарийб уч баробар арзонлашиши, ушбу йўналиш бўйича юк ташиш ҳажми 10 миллион тоннага етиши кутилмоқда.

Мазкур йўналишнинг имкониятлари фақат шу билан чекланмайди. Президентимиз шу йил 12 январь куни бўлиб ўтган “Глобал Жануб овози” онлайн саммитидаги нутқида мамлакатимиз Евроосиё минтақасидаги асосий транспорт артерияларидан бири бўлган “Шимол — Жануб” халқаро йўлагини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашини қайд этди.

“Биз Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган, Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўлни қуриш лойиҳасини фаол илгари сурмоқдамиз. Ҳамкорларимизни ушбу ўта муҳим лойиҳада иштирок этишга таклиф қиламиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан, Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида тўғридан-тўғри қуруқлик орқали транспорт йўли йўқлиги мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар жадал ривожланишидаги асосий тўсиқ ҳисобланади. Бу борада Эроннинг Чобаҳор порти орқали ўтадиган йўлак катта истиқболларни очмоқда. Бу порт орқали юк “Тошкент — Мари — Машҳад — Бафқ — Чобаҳор” йўналиши транзит қилиниб, кейин денгиз транспорти орқали Жануби-Шарқий Осиё ва Форс кўрфази мамлакатларига етказиб берилиши мумкин. Умуман олганда, унинг йиллик юк ташиш салоҳияти 10 миллион тоннага етади, дея баҳоланмоқда.

Бу йўлак, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификациялаш, иккинчидан, Марказий Осиё давлатларининг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Мутахассислар фикрича, Чобаҳор порти орқали ўтадиган савдо йўли товарларни экспорт қилиш харажатларини 60 фоиз ҳамда Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида маҳсулот етказиб бериш муддатини 50 фоиз қисқартириш имконини беради. Натижада товарларнинг рақобатбардошлиги ошади. Бу ҳам Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасининг Жанубий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратади.

Алқисса, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон” транспорт йўлаклари бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши илк бор Жанубий Осиё мамлакатлари темир йўлларини бутун Евроосиё, шунингдек, ШҲТ мамлакатлари темир йўллари билан боғлаш имкониятини юзага келтиради. Шу билан бирга, Европа Иттифоқи, Россия, Қозоғистон, Хитой, Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва ундан кейин Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўртасида транспорт кўприги вазифасини ўтайди. Мазкур йўналишларнинг ривожланиши Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини оширади, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон”, “Ҳиндистон — Покистон — Афғонистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Озарбайжон — Грузия ва Туркия — Европа Иттифоқи” каби янги транспорт йўлакларини вужудга келтиради.

Географик қулай жойлашуви Ўзбекистонни Шимол — Жануб, Ғарб — Шарқ ўртасида катта мавқега эга чорраҳага, ана шу жараёнда мамлакатимиз ҳудуди ва Марказий Осиёни бутун бир логистика хабига, яъни жаҳоннинг муҳим бозорига айлантириши мумкин. Бу, ўз навбатида, минтақанинг юк айланмаси имкониятларини кенгайтиради, улар ҳажмини оширади, ташишни тезлаштиради, йўловчилар сонини кўпайтириши баробарида сайёҳлар оқими транзитини, инвестициявий жозибадорлигини ҳам яхшилайди.



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ:

ЭНЕРГЕТИК БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМИ

“Сўнгги 10 йил ичида қуёш энергияси мамлакатимизда устувор йўналишлардан бирига айланди. 2013 йилда муқобил энергия манбаларини янада ривожлантиришга доир қабул қилинган фармон қуёш энергиясидан оммавий фойдаланишни бошлашга туртки берган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.”

Антон КОСТЮЧЕНКО,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,

Одилжон НАЗАРОВ,
институт катта илмий ходими

Бошланиши 1-бетда

“Яшил” энергия улуши сезиларли ошади

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларда тадбиркорлик ривожланиб, аҳолининг фаровонлиги ошиб бориши эвазига электр энергиясига талабнинг муттасил ортиб бориши ҳам алоҳида эътиборга олинган. Жумладан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 24-мақсадида иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, ушбу мақсадга эришиш йўлида 2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард кВт. соатга ошириб, жами 100 миллиард кВт. соатга, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини эса 25 фоизга етказиш эвазига йилига қарийб 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш вазифаси белгиланган.

Мамлакатимизда шу муносабат билан бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли турар жойларида муқобил энергиядан фойдаланиш борасида қатор устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2021 йилда илк бор Навоий вилояти Кармана туманида қуввати 100 МВт.лик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида қуввати 100 мегаваттга тенг бўлган йирик қуёш фотоэлектр станцияси эксплуатацияга топширилган.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида қуввати 100 МВт. бўлган, йилига 360 миллион кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқаришга ҳамда 110 мингдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлашга мўлжалланган лойиҳа қурилиши бошланган. Бунинг натижасида 106 миллион метр куб табиий газ тежалиб, атмосферага 160 минг тонна зарарли газ чиқарилишининг олди олинади. Тежалган газ билан 35 минг хонадонни бир йил давомида таъминлаш имкони вужудга келади.

Бундан ташқари, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳар бирининг қуввати 220 МВт.дан 2 та қуёш фотоэлектр станцияси, Бухоро вилоятида умумий қуввати 1000 МВт. бўлган 2 та шамол электр станцияси ҳамда Навоий вилоятида қуввати 200 МВт, Сурхондарё вилоятида қуввати 457 МВт. бўлган қуёш фотоэлектр станциялари, 2024 йилда эса Навоий вилоятида қуввати 500 МВт. бўлган шамол электр станциясини қуриш режалаштирилмоқда. Жами ишга туширилади ган янги қувватлар эвазига пировардида умумий 2 797 МВт. электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Жорий йил 23 январь куни Президентимиз топшириғига асосан, Бош вазир раислигида Ўзбекистонда давом этаётган аномал совуқ ҳаво шароитида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида муқобил энергия ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур вазифалар белгиланган ҳам Ўзбекистон бу йўлда катта мақсадларни кўзлаб, дадил юришда давом этишидан далолат беради. Зеро, йиғилишда Энергетика вазирлиги ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ масъулларига икки ҳафта муддатга Хитойга бориб, 2 гигаватт қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича хитойлик ҳамкорлар билан музокараларни якунлаш ҳамда 15 февралга қадар шу бўйича тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилди.

Айни йўналишда Чин юрти вакиллари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки Хитой қуёшдан энергия ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик давлат ҳисобланади. 2022 йилнинг дастлабки олти ойида ушбу мамлакатда 30,88 гигаваттли қуёш фотоэлектр тизимлари жойлаштирилган.

Хитой, шунингдек, энг йирик қуёш ускуналари ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Ушбу мамлакат 2011 йилдан янги фотоэлектрик тизимлар ишлаб чиқариш қувватларига 50 миллиард доллардан зиёд сармоя киритган. Бу рақам бутун Европа қитъаси бўйича худди шу соҳага киритилган суммадан ўн баробар кўпдир.

Умуман олганда, дунёда қуёш панеллари ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида Хитойнинг улуши 80 фоиздан ошади. Бундан ташқари, мамлакат 2025 йилга қадар электр энергиясининг 33 фоизини қайта тикланувчи энергия манбалари орқали ишлаб чиқаришни режалаштирган. Шунингдек, мамлакат ҳукумати 2030 йилгача 1200 гигаваттга тенг қуёш ва шамол энергиясини олиш режасини эълон қилди.

200 йиллик тарихга бир назар

Бугунгача қилинган, айни пайтда бўлаётган ва бу борада режалаштирилган ишлар яхши, албатта. Бу ишларнинг салмоғи, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг пировард натижаси мамлакатимиз энергетика тизими барқарорлигига хизмат қилиши шубҳасиз. Лекин бир нарсани унутмаслик керакки, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмига мос равишда унга талаб ҳам муттасил ортиб боряпти.

Бинобарин, 2022 йил 10 июнь куни Президентимиз раислигида иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳозирги кунда аҳолининг камида 2-3 миллиард кВт. соат электр энергиясига қўшимча талаби мавжудлиги, келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж яна 10 миллиард кВт. соатга ошиши таъкидланди.

Бундай вазиятда энг самарали йўл — муқобил ва қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ўзбекистон — йилнинг деярли барча кунлари қуёш порлаб турадиган диёр. Бу биз сўз юритаётган муқобил, шу жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланишда катта табиий имконият тақдим этади. Кези келганида, қуёш нуридан электр энергияси олиш борасидаги ишлар тарихига бир назар ташлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

Ёруғликни электр энергиясига айлантириш эффекти 1839 йилда француз физиги Александр Эдмон Беккерель томонидан кашф қилинган. Кейинчалик олимлар ёруғликни электр энергиясига айлантиришда селендан фойдалана бошлади. Қуёш панелларининг биринчи прототипларига эса 1912 йилда италиялик фотокимёгар Жакомо Луиджи Чамичан томонидан асос солинган.

1954 йилда “Bell Laboratories” компанияси кремнийга асосланган биринчи қуёш панели яратганини эълон қилди. Аммо бу қуёш батареясининг самарадорлиги атиги 6 фоизни ташкил этарди.

Бугунги кунда эса тармоққа уланган қуёш панеллари тизими уйни ўртача бир неча соат давомида тўлиқ қувват билан таъминлай олади. Электр ўчган тақдирда ҳам батареялар ишлашда давом этаверади.

Қуёш панелларининг ишлаши махсус моддаларни электр токига айлантириш

тамойилига асосланади. Хусусан, иккита кремний пластинаси эркин электронларни ҳосил қилувчи турли хил моддалар, асосан, бор ва фосфор билан қопланган. Қуёш нурлари таъсирида бу электронлар ҳаракатлана бошлайди ва электр токини ҳосил қилади. Кейин ҳосил бўлган электр қуввати қуёш энергиясини йиғувчи батареяларга узатилади.

Умуман олганда, бу борадаги самарадорлик булутли ёки ёғинли об-ҳавога нисбатан қуёшли кунларнинг кўп бўлишига бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда эса қуёшли кунлар йилига ўртача 300 кундан зиёд бўлади, бу қуёш электроэнергиясини ривожлантиришнинг асосий омили ва афзалликларидан биридир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қуёш нуридан электр энергияси олиш тарихи қарийб 200 йилга бориб тақалса-да, қулай шароит бўлишига қарамасдан бизга қуёш нуридан фойдаланиш анча кеч кириб келди. Сўнгги 10 йил ичида қуёш энергияси мамлакатимизда устувор йўналишлардан бирига айланди. 2013 йилда муқобил энергия манбаларини янада ривожлантиришга доир қабул қилинган фармон қуёш энергиясидан оммавий фойдаланишни бошлашга туртки берган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Маҳаллийлаштириш оммалашувга йўл очади

Бугунги кунда мамлакатимизда қуёш энергияси ишлаб чиқаришда янги қувватларни ўзлаштириш, қуёш панеллари учун ускуналарни маҳаллийлаштириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, қуёш энергетикаси борасида юқорида қайд этиб ўтганимиздек, юртимизнинг турли ҳудудларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Лекин бу электр энергияси танқислиги мавжуд ва талаб муттасил ошиб бораётган бир шароитда кам, албатта. Камлиги қайсики маънода, мавжуд улкан табиий имкониятга яраша давлат йирик лойиҳаларга старт берди, лекин аҳоли ўртасида қуёш панелларидан фойдаланиш талаб даражасида оммалашгани йўқ. Мана шу биргина масалага ечим топиш орқали электр энергия барқарорлигига эришиш имконияти жуда катта.

Шу ўринда табиий савол туғилади: модомики шундай экан, нега аҳоли ўртасида қуёш панелларидан фойдаланиш оммалашмаяпти. Бу, биринчи навбатда, қуёш панелларининг нархига, бошқача айтганда, аҳолининг харид қобилиятига боғлиқ.

Энг арзон қуёш панеллари 150 Вт. қувватга эга, бу эса улардан фойдаланиб, уйнинг 5-6 хонасини ёритиш ва битта телевизорни ишлатиш имконини беради. Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, бундай панеллар нархи уларнинг қувватига қараб, ўртача 11 миллион сўмдан 109 миллион сўмгачани ташкил этади. Бундан кўринадики, электр энергияси учун ойига ўртача 50 минг сўм тўлов қилаётган оилалар учун ушбу суммадаги қурилмаларни харид қилиш оғирлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам юртимизда аҳолининг харид қобилиятини ошириш мақсадида қуёш электр станциялари харид қилинганида маълум бир миқдорда компенсация тўлаш тизими йўлга қўйилди. Бу масалага кейинроқ батафсил тўхталамиз.

> **ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИ ИМТИЁЗЛАР ВА СУБСИДИЯЛАР БЕРИШ ОРҚАЛИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАТОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Гап аҳолининг харид қобилиятини ошириш ҳақида борар экан, қуёш панеллари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш биринчи ўринда туради. Негаки, бу таннархни пасайтиради ва ўз навбатида, маҳсулот нархи арзонлашади. Демак, бу турдаги қурилмаларни маҳаллийлаштириш қуёш панелларидан фойдаланишни оммалаштиришнинг энг самарали йўли.

2010 йилдан бошлаб мамлакатимизда қуёш панелларини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш бўйича хусусий корхоналар фаолият бошлади. Бироқ улар қуёш панеллари ва бошқа бутловчи қисмларни тўлиқ ишлаб чиқармасдан, аксарият ҳолларда уларни импорт қилиш ва Ўзбекистонда йиғиш билан шуғулланиши туфайли бозорга арзон маҳсулот таклиф қила олмади. Нарх ва аҳолининг харид қобилияти мутаносиблигини таъминлашнинг бирдан-бир йўли, шубҳасиз, маҳаллийлаштириш эди.

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда қуёш панеллари учун ускуналар нархини пасайтириш ва аҳолининг харид имкониятини ошириш мақсадида зарур технологияларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада 2019 йил май-апрель ойларида Туркия билан ҳамкорликда умумий қуввати 200 мегаватт бўлган замонавий қуёш панелларини ишлаб чиқарадиган “Vip Solar Endustriyel Uz” корхонасини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди. Шунингдек, корхона ёрдамчи ускуналар, жумладан, инверторлар, коллекторлар ва бошқа турдаги электр энергиясини тежовчи ускуна ва технологияларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши ҳам кўзда тутилган эди.

Кейинчалик мазкур лойиҳа Президентимизнинг 2019 йил 30 майдаги “Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда тармоқнинг инвестициявий ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида 2019-2021 йилларда электротехника саноати соҳасида амалга оширилаётган ва истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхатига киритилди.

2022 йил августда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида янги мис кластери ташкил этилиб, унинг ҳудудида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар, жумладан, қуёш панеллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширила бошланди.

Аҳолининг харид қобилияти яхшиланмоқда

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, қуёш электр станциялари Ўзбекистонда жами 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Бу мамлакатнинг бугунги кундаги электр энергиясига бўлган эҳтиёжидан саккиз баравар кўп, дегани.

Осиё тараққиёт банки мутахассисларининг баҳолашича, қуёш энергияси салоҳияти тахминан 51 миллиард тонна нефть эквивалентини ташкил этади. Уни амалга ошириш учун мамлакатимиз қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга киришди. Бу нафақат қуёш, балки шамол, сув оқимлари, биогаз қурилмалари ва бошқалар ёрдамида олинган энергиядир.

Ўзбекистонда қуёш панелларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадида мамлакатимиз аҳолиси ва тадбиркорларни имтиёзлар ва субсидиялар бериш орқали рағбатлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги биринчи қадам Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўлди. Ушбу ҳужжатга кўра, қуёш панеллари ишлаб чиқарувчилари беш йил давомида барча турдаги солиқлардан озод қилинди. Бундан ташқари, ишлаб турган энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилиши назарда тутилган.

2020 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга қуёш фотоэлектр станциялари, қуёш сув иситкичлари, шунингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида компенсациялар тақдим этиш белгиланди.

2022 йил сентябрь ойида қуёш энергиясини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг янги тизими яратилди, унинг доирасида 2019 йилда қабул қилинган имтиёзлар қайта кўриб чиқилди. Натижада жисмоний шахслар томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларини сотиб олиш учун компенсация миқдори тасдиқланди. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларидан бири фуқаролар ва корхоналар томонидан уларни сотиб олишни молиявий рағбатлантиришдир. 2022 йил охирида Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасига ушбу мақсадлар учун 100 миллиард сўм ўтказилди.

1 октябрдан бошлаб фуқаролар қайта тикланувчи энергия манбаларини 3 йил давомида фоизсиз тўлаш орқали сотиб олишлари мумкин бўлди. Ушбу норма Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқарилган фотоэлектр панеллар, шамол генераторлари ва қуёш сув иситкичларига тааллуқлидир. Агар харидор қурилманинг тўлиқ нархини ва уни ўрнатишни дарҳол тўласа, у якуний нархдан чегирма шаклида компенсация олиш ҳуқуқига эга. Тўловлар миқдори қурилма қувватига боғлиқ.

Ўзбекистонда қуёш энергияси ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг жорий этилиши ҳар йили 3 миллиард кубометргача табиий газни тежаш имконини беради. Тежалган газнинг бу ҳажми 1 йил давомида 1 миллион хонадонни табиий газ билан таъминлашга тенг. Бундан ташқари, тежаб қолинган бундай миқдордаги табиий газдан фойдаланиб, 15 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин, бу эса бугунги кунда Ўзбекистон жисмоний истеъмолчиларининг 98 фоизини бир йил давомида электр энергия билан таъминлаш учун етарли бўлади.

Дунё тажрибаси ва улардаги ҳолат

Булардан кўринадики, иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлигига бевосита боғлиқ бўлган ва талаб доимий ошиб борадиган электр энергияси барқарорлиги кўп жиҳатдан бугун ҳам, келажакда ҳам қайта тикланувчи, шу жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга боғлиқ. Шунинг учун аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатлар бу масалага устувор аҳамият қаратмоқда.

Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро агентлик (International Renewable Energy Agency, IRENA) ҳисоботида келтирилишича, глобал қуёш энергияси ишлаб чиқариш 2021 йилда рекорд даражага, яъни 179 тераватт-соатга ошган. Ўсиш 22 фоиз. Мазкур йилда глобал қуёш генерацияси 849 гигаваттни, бу эса дунё бўйича электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 3,6 фоизини ташкил этди.

Айни пайтда қуёш энергиясини ишлаб чиқарувчи энг йирик давлатлар бешлигига Хитой (340 гигаватт), АҚШ (102,9 гигаватт), Япония (78,5 гигаватт), Германия (62 гигаватт) ва Ҳиндистон (57 гигаватт) киради. Эътиборли жиҳати, бу борадаги кучли бешта давлатнинг учтаси қитъамиз вакилларидир.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, бу борада етакчилик Хитойга тегишли. 102,9 гигаватт қуёш энергияси билан АҚШ дунёда иккинчи ўринда туради. Аммо 2008 йилда мамлакат атиги 0,34 гигаватт қуёш энергиясини олган. Ҳозирги вақтда АҚШдаги электр энергиясининг 3 фоизи қуёш электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

АҚШнинг қуёш салоҳияти жуда улкан. Қайта тикланувчи энергия миллий лабораторияси ҳисоботига кўра, қуёш панеллари билан қопланган Мичиган кўли катталигидаги майдон бутун мамлакатни электр энергияси билан таъминлаш учун етарли бўларкан. Агар панелларнинг самарадорлиги оширилса, бу майдонни икки баробар кичрайтириш ҳам мумкинлиги айтилмоқда.

Мамлакат ҳукумати 2025 йилгача электр энергиясининг 40 фоизини қуёш энергиясидан ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

Бир неча йил олдин Япония қуёш энергияси қуввати бўйича 4-ўринда эди. Бугунги кунда умумий қуввати 78,5 гигаватт бўлган мамлакат 3-ўринни эгаллаб турибди.

2021 йилда Японияда жами ишлаб чиқарилган электр энергиясининг тахминан 10 фоизини қуёш энергияси ташкил этди. Бу 2010 йилдаги атиги 0,3 фоизга қараганда ажойиб ўсиш, албатта.

Мамлакат қуёш фотоэлектр энергияси нуқтаи назаридан энг тез ривожланаётган давлат ҳисобланади. Бундан ташқари, кунчиқар юрт дунёдаги фотогальваник элементларнинг 45 фоизини ишлаб чиқаради ва мамлакат фотогальваник элементлар бозорида дунёда етакчи ҳисобланади.

Келгуси 8 йил ичида мамлакат 108 гигаватт мақсадига эришиш учун қуёшдан энергия олишни 20 гигаваттга оширишни режалаштирмоқда. Ушбу мақсад учун Япония давлати Марказий ҳукумат ва муниципал биноларининг 50 фоизидан кўпроғига қуёш батареяларини ўрнатиш йўлга қўйилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон ҳам катта режаларни мақсад қилган: 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улуши 25 фоизга етказилади. Албатта, электр энергияси барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, кўрилаётган таъсирчан чоралар мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги, пировардида эса аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Зеро, табиий захиралар камайиб, талаб каррасига ошиб бораётган бир шароитда иқтисодий тараққиётни мақсад қилган ҳар қандай давлат учун энг мақбул нажот йўли бу “яшил” энергетикадир.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

Бу йил қандай натижалар кутиляпти?

Бахтиёр МАҲКАМОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,

Шавкат ТЎРАЕВ,
университет проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида 2022 йил якунларини сарҳисоб қилиш баробарида 2023 йилга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилаб берди.
Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига тўхталар экан: “Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган кескин жараёнлардан барчангиз хабардорсиз. Жаҳонда мураккаб геосиёсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашмоқда. Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислоҳотларни жадаллаштирамиз”, деди.

Жаҳон банки хулосаларига кўра, дунё иқтисодиёти Иккинчи жаҳон урушидан бери энг чуқур глобал таназзулга сабаб бўлган коронавирус пандемиясидан тикланиб улгурмасидан, иқтисодий барқарорлик учун жиддий хатарлар вужудга келиши мумкин. Бу сафар жаҳон иқтисодиётида юқори инфляция ва иқтисодий ўсиш секинлашуви кузатилмоқда.

Ҳақиқатан, сўнгги йилларда кузатилаётган пандемия, геосиёсий зиддиятлар ва иқтисодиётдаги ноаниқликлар жаҳон бозоридаги барқарорлик, айниқса, истеъмол товарлари нархларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Албатта, бундай ноаниқликлар, биринчи навбатда, аҳоли даромадларига салбий таъсир этиб, истеъмол товарлари нархи ва ўз навбатида, яшаш харажатларини оширяпти. Бундай шароитда мақсадларни тўғри қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш устидан қатъий назорат ўрнатиш муҳимдир.

Глобал таъминот занжиридаги узилишлар, давлатлар ўртасида тобора кескинлашаётган низолар сабабли юзага келган инфляция босимлари ва иқтисодий мавҳумликлар сақланиб қолмоқда. Бу каби ташқи хатарлар миллий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиб, инфляция даражаси кутилгандан юқори бўлишига олиб келмоқда.

Жаҳон банки прогнозларига кўра, 2022 йилда жаҳон иқтисодиёти 2,9 фоиз ўсиши кутилган, ривожланган давлатлар иқтисодиёти 2,6 фоиз, ривожланаётган давлатларники эса 3,4 фоиз ўсиши тахмин қилинган эди.

2022 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 5,7 фоизни ташкил этди, шунингдек, дастлабки прогнозларга кўра, 2023 йилда иқтисодий ўсиш 5,3 фоиз, 2024 йилда 5,6 фоиз, 2025 йилда эса 6 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши асосий ҳамкор давлатларнинг макроиқтисодий ҳолатига бевосита боғлиқ.

Озиқ-овқат ва ёнилғи нархларида кузатилаётган тебранишлар дунё мамлакатлари билан бир қаторда Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон бозоридаги ушбу ўзгаришлар туфайли 2022 йилда мамлакатимизда инфляция даражаси 12 фоиз атрофида бўлиши, 2023 йилда эса 9,5 фоизгача пасайиши прогноз қилинган.

Жаҳон бозоридаги ноаниқлик ва асосий ташқи савдо ҳамкорларимиздаги мураккаб вазиятга қарамай, олдинги йилларда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 2023 йилда юртимизда саноат ва қурилиш соҳалари ўртача 6 фоиз, хизмат кўрсатиш йўналиши 14 фоиз, қишлоқ хўжалиги 3,5 фоиз, экспорт ҳажми эса 22,8 фоиз ўсиши, яъни 23 миллиард 241 миллион долларга етиши прогноз қилинмоқда.

Юртимизда 2023 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 311 триллион сўм, харажатлари эса 343 триллион сўм миқдорида режалаштирилган. Бунда 32 триллион 528 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдорида тақчиллик белгиланди.

2023 йил бюджет даромадлари шаклланишида олдинги йиллардаги солиқ ислоҳотлари ижобий натижасини беради. Хусусан, 2018 йилдан бошланган солиқ ислоҳотлари — солиқ турлари қисқартирилиши, ставкалар пасайиши ва солиқ базаси кенгайиши натижасида бюджетга тушумлар ҳажми ўсишда давом этаётир.

Айниқса, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни солиққа тортиш тартиби тубдан такомиллаштирилиши, жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилиниши ҳамда солиқ ставкаси 22,5 фоизгача бўлган 4 поғонали даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланиши натижасида жами тушумлар 2 баробар ошди. Бошқача айтганда, 26 триллион 500 миллиард сўмдан қарийб 52 триллион 500 миллиард сўмгача ўсди.

Шу билан бирга, даромад солиғи тўловчилар сони 2018 йилдаги 3 миллион 900 мингга нисбатан сезиларли кўпайди. Бугунги кунга келиб, солиқ тўловчилар 5 миллион 300 мингдан ортиқни ташкил этмоқда ва эътиборли жиҳати, бу кейинги йилларда янада ўсиши кутилмоқда.

Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи, ер, мол-мулк ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар базасини кенгайтириш орқали 20 йил давомида ўзгаришсиз келаётган қўшилган қиймат солиғи ставкаси 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 20 фоиздан 15 фоизга, 2023 йил 1 январдан 12 фоизга пасайтирилди. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар сони 25 баробар, яъни 6,8 мингдан 170 мингга ўсди. Самарасиз имтиёзларни бекор қилиш ҳисобига эса ушбу солиқ тури бўйича тушумлар 2019 йилдагига нисбатан 1,9 баравар ёки 37 триллион 100 миллиард сўмдан 72 триллион 400 миллиард сўмга ошди.

Умуман олганда, сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида бюджет даромадлари кескин кўпайди. 2018 йилда давлат бюджети даромадлари 82 триллион 800 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 205 триллион сўмга етди. Шу билан бирга, бюджет даромадларининг олтин нархларига боғлиқлиги йилдан-йилга камайишига эришилмоқда.

2023 йил бюджет даромадлари асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, хомашё товарларининг жаҳон бозорида кутилаётган нархлари, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳамда солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштиришдан келиб чиқиб режалаштирилган.

Жорий йил учун белгиланган солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари фойда солиғининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

Юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида 2023 йил солиқ сиёсатини белгилашда унга қатор муҳим ўзгартиришлар киритилди.

Биринчидан, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш учун солиқ ставкаларини пасайтириш ва унификация қилиш ҳамда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу мамлакатимиз солиқ сиёсатидаги муҳим тарихий ўзгаришдир. Нима учун бу ўзгаришнинг муҳимлигини қуйидаги бир-бирига тескари, аммо ҳам тадбиркорларга, ҳам давлатга фойдали жиҳати билан изоҳлаймиз. Чунончи, аввало, солиқ ставкасининг 3 фоизлик бандга пасайтирилиши натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 13 триллион сўм айланма маблағ қолиши режалаштирилган. Бу бизнес вакиллари учун яхши, албатта. Бошқа томондан эса ставка пасайтирилишига тескари равишда 2023 йилда ушбу солиқ бўйича тушумлар 2022 йилдагига нисбатан 16 триллион сўмга кўп бўлиши прогноз қилинган. Буниси эса давлат бюджети учун қўшимча имконият дегани.

Иккинчидан, маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ва базалари инфляция доирасида ёки 10 фоиз индексация қилиниши назарда тутилган. Бунда акциз солиғи ставкалари индексациясини 2023 йил 1 февралдан амалга ошириш кўзда тутилган.

Учинчидан, солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш давом этмоқда. Жумладан, 2023 йил 1 апрелдан бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган қатор хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан имтиёзлар бекор қилинмоқда ва бунинг натижасида бюджетга қўшимча 109 миллиард сўм солиқ тушуми кутилмоқда.

2023 йилда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг муддати тугаши ҳам бюджет даромадларида инобатга олинган.

Тўртинчидан, бюджет даромадларида солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 1 фоизи миқдорида ёки 9 триллион 200 миллиард сўм қўшимча режа кўзда тутилган.

2023 йилги давлат бюджети харажатларида алоҳида соҳалар ривожига мақсадли харажатларни ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни таъминлаш мўлжалланган. Бунда харажатларнинг 130 триллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилиши белгиланган. Ушбу харажатлар таркибида, асосан, таълим соҳаси катта ўрин эгаллайди. Хусусан, соҳага 58 триллион 372 миллиард сўм ёки давлат бюджети жами харажатларининг 23 фоизи, бошқача айтганда, 2022 йилги ижрога нисбатан 16 фоиз кўп маблағ йўналтирилади.

Таълим соҳаси бўйича давлат дастурларини амалга ошириш харажатларига 7 триллион 585 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилган. Жумладан, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига 2 триллион 259 миллиард сўм миқдорида субсидиялар, умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар учун 920 миллиард сўм, олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш квоталарини оширишга 984 миллиард сўм, бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитига ресурс ажратиш учун 1 триллион 700 миллиард сўм, талабалар турар жойларини барпо этиш ва унда яшайдиган ҳар бир талаба учун субсидиялар ажратишга 284 миллиард сўм кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасига 28 триллион 426 миллиард сўм йўналтирилади. Шу жумладан, давлат дастурларини амалга ошириш учун 1 триллион 500 миллиард сўм ажратилади. Бунда оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари билан қўшимча таъминлаш харажатлари учун 31 миллиард сўм, онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатларга 138 миллиард сўм, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига 180 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотга 33 триллион 67 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқни қоплаш учун 15 триллион сўм, кам таъминланган оилаларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини молиявий қўллаб-қувватлашга 18 триллион 67 миллиард сўм ажратилади.

Бунда 2023 йилда бир ойда республикамиздаги жами оилаларнинг ўртача 20 фоизига, яъни 1,9 миллион оилага ижтимоий нафақа тўлаш учун 10 триллион 530 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилган.

Ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш учун 966 миллиард сўм, шундан хусусий секторда фаолият юритувчи хотин-қизлар учун 300 миллиард сўм ажратилган.

Инфратузилмани ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун жами 30 триллион сўм, жумладан, марказлашган инвестиция дастури учун 15 триллион 520 миллиард сўм, ҳудудлар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатларига 3 триллион 500 миллиард сўм, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш тадбирлари учун 11 триллион 25 миллиард сўм маблағ режалаштирилган. Шундан “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси учун 6 триллион сўм, шунингдек, маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 30 фоизини ва маҳаллий бюджетларда ички йўллар учун кўзда тутилган маблағларни инобатга олган ҳолда, 2023 йилда жами 8 триллион сўм йўналтирилмоқда.

Бюджет харажатларида хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу мақсадларга 6 триллион 569 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу йўналишга 2022 йилда 4 триллион 308 миллиард сўм йўналтирилган.

2023 йилда иқтисодиёт харажатлари 36 триллион 680 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 10 триллион 600 миллиард сўми қишлоқ ва сув хўжалигига йўналтирилиши режалаштирилган.

Умуман олганда, 2023 йилги давлат бюджети халқ манфаатлари ва давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, инсон қадрини улуғлаш, юртдошларимиз ҳаётини яхшилашни мақсад қилиб шакллантирилган. Бунда қулай бизнес шароитини яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудлар, айниқса, маҳаллаларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинган.

Ушбу йўналишлардаги ишларни сифатли ва тўлақонли бажариш, ажратилган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини таъминлаш барчамизнинг энг асосий вазифамиз бўлиши лозим.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

ҚАТЪИЯТ, ХОЛИСЛИК ВА ЧУҚУР БИЛИМ

Наманган вилояти судида уч авлод вакиллари учрашуви бўлиб ўтди. Унда суд тизимида узоқ йиллар фаолият юритиб, айни пайтда қарилик гаштини сураётган фахрийлар амалдаги судьялар ва талаба-ёшларга зарур маслаҳат ва тавсиялар берди. Айниқса, судья ўз устида ишлаши, қонунларни яхши ўрганиши, кўп китоб-газета ўқиши, даврга ҳамоҳанг ахборот технологиялари ва хорижий тилларни мукаммал эгаллаши лозимлиги хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилганлар одил судловни таъминлашда кейинги йиллардаги ижобий ўзгаришлар, такомиллашаётган судларда инсон қадри улуғланаётгани, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганига тўхталди.

— Суд қарорларию ҳукмлар замирида одамлар тақдири ётади, — дейди Наманган вилояти судининг фахрийлар кенгаши раиси Ғозихон Яҳёҳўжаев. — Шу маънода, судьялардан қатъият, холислик ва чуқур билим талаб этилади. Бу ҳар бир судья фаолиятининг бош мезонига айланиши лозим. Дарвоқе, биз ишлаган даврларда бундай шароиту қулайликлар йўқ эди. Бугун ҳаммаси тубдан ўзгарди. Шароитлар яхшиланди. Судьяларнинг мустақиллиги амалда таъминланди.

Юзма-юз дийдор онлари “Эъзоз ва эҳтиром” кечасига уланди. Қутлуғ 70 ёшга тўлган Мамажон Ғанижонов умрининг 40 йилини суд-ҳуқуқ тизимига бағишлаган. Наманган фидойиси Мамажон Ғанижоновнинг ҳаёти ва фаолияти судьялар учун ибрат мактаби. Нуроний устознинг одамийлик фазилатлари, суд мажлиси котиблигидан бошлаб то Олий суд судьяси лавозимигача бўлган шонли йўлни босиб ўтгани, адолат тарозиси ва қонун устунлигига таянганини эслашди.

Устоз ҳамон шогирдлари, ёш судьялардан маслаҳатларини аямайди, насиҳатини канда қилмайди. Масъулиятли, машаққатли касбда ишласа-да, оилавий муҳитни, жамиятда муносиб ўрин топиши учун фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланишни асло ёдидан чиқармаган.

— Уч авлодни бирлаштирган самимий давра суҳбати менда катта таассурот қолдирди, — дейди НамДУ юридик факультети талабаси Меҳринисо Мирзаева. — Келгусида ишини суд соҳаси билан боғлаш истагидаги йигит-қизлар қаторида мен ҳам қизиқтирган саволларимга жавоблар олдим.

* * *

Жорий йил 16 январь куни Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди.

Ушбу фармонлар тарғиботи ва ижросига киришиш, уларни кенг оммага таништириш мақсадида Наманган вилояти судида журналист ва блогерлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Дастлаб Наманган вилояти суди раиси Алишер Усмонов, Наманган вилояти маъмурий суди раиси Зарифахон Қурбонованинг маърузалари тингланди ва янги фармонлар мазмун-моҳияти иштирокчиларга тушунтирилди. Сўнгра вилоят судлари раислари 2022 йил якунлари юзасидан ҳисобот берди. Галдаги қўламли вазифалар ва истиқболдаги режаларини маълум қилди.

Учрашув давомида ўтган йил мобайнида кўрилган жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар таҳлили, чиқарилган айблов ҳукмлари, жазо амалиёти, ишларнинг юқори инстанцияларда кўрилиши, оқлов ҳукми, судланганлик ҳолати, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар шарҳи, ҳуқуқий ташвиқот жараёнлари ва бошқа маълумотлар очиқланди.

— Масалан, вилоят судлари томонидан инсонпарварлик тамойили қўлланиши туфайли бир йил ичида 16 шахс оқланди, — дейди Алишер Усмонов. — 601 шахс суд залида қамоқдан озод қилинди. 1 минг 494 шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, енгилроқ турдаги жазо тайинланди. 1 минг 418 шахс тарафларнинг ярашгани сабабли жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Дарҳақиқат, ошкоралик, шаффофлик, холислик суд идоралари фаолиятида жуда аҳамиятли омил саналади. Турли талқинлару баҳсли тафсилотларга бой, қизғин руҳда кечган очиқ мулоқотда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаолларининг саволларига далиллар асосида батафсил жавоблар қайтарилди.

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

БУГУННИНГ ГАПИ

ТАРИХИЙ ТАФАККУРСИЗ БУЮК КЕЛАЖАК БЎЛМАЙДИ

Дилнозахон КАТТАХОНОВА, Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал

Тарбия ўта долзарб масала. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” — бу қоидаларни инсон камолотга етишининг формуласи, дейиш мумкин. Имом Бухорий тарбияни содда тарзда бундай таърифлайди: “Боланинг табиати ривожланишга мойил бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ”.

Ҳар жиҳатдан камол топган, хулқ-атворида олижаноб фазилатлар шаклланган авлодни тарбиялаш барча жамиятларнинг орзуси. Тарбияси оғир, маънавий қашшоқ ёки ундан маҳрум бўлган инсондан бирор эзгулик кутиш мушкул. У яхшилик ва эзгулик ҳақида ўйламайди. Жамиятга, ҳатто ўз ота-онаси, яқинлари тақдирига ҳам бефарқ, лоқайд қарайди. Тарбияли, маънавиятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, истиқболдаги ҳаёт ва инсон равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Зеро, бугун олдимизга қўйган “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган буюк мақсадга эришишда маънан юксак, баркамол ёшлар таянч бўлади.

Президентимиз раислигида 2020 йил 23 августда халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Тарбия” фанини жорий этиш ва ўқитиш ташаббуси илгари сурилгани ҳам бежиз эмас. Шундан сўнг мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишлар янгича асосда ташкил этилиб, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанлар бирлаштирилди ва яхлит “Тарбия” фани жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий қадриятларимиз асосида яратган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз “Тарбия” фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда мана шундай бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур”.

Тарихга назар ташласак, Амир Темур авлодлари зурриётларини илмли қилди. Уларни етук устозларга топширди. Натижада темурийлардан қўплаб илм соҳиблари етишиб чиқди. Насл тенгсиз илм билан зийнатланди. Ҳам дунёвий, ҳам диний илм пешқадамлари, давлат раҳбарлари етишди. Улар бойликка эмас, асосан, илм-маърифатга эътибор қаратди.

Очиқ айтиш керак, бугун мактабларда берилаётган таълим-тарбия сифати, барча ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида деб бўлмайди. Шу боис, “ижтимоий давлат” тамойили асосида қурилаётган Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция таълим-тарбияни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Мактабларда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, шароитини яхшилаш Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилидаги энг асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Бир болага етти маҳалла ота-она

Форобийнинг “Тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-ҳунарга оид малакалар ҳосил қилинади”, деган гапига таянадиган бўлсак, ўғил-қизларимиз уйида, атрофда, кўча-кўйда кўрганлари асосида тарбияланиб боради. Мактаб, устоз-муаллимлар таълим-тарбия борасида беқиёс таъсир кучига эга. Аммо бола куннинг атиги тўртдан бир қисмида мактабда — устозлари назоратида бўлади. Қолган вақтини уйида, маҳаллада, кўча-кўйда ўтказади.

Шу боис, “Бир болага етти маҳалла ота-она” тамойили асосида ёшлар тарбиясида маҳалла ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Жаҳон тажрибасида маҳалла сингари қатор функция ва вазифаларни бирлаштирган ўзини ўзи идора қилиш институти мавжуд эмас. Зеро, ушбу тизим бир вақтнинг ўзида спорт, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, саломатлик, оилавий низоларни бартараф этиш ва бошқа қатор масъулиятли ишларни бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида юртимиздаги барча маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш уларнинг энг асосий вазифаларидан этиб белгиланган. Энди ёшлар муаммоси фақат ўқиш ёки иш жойидаги мутахассислар кўмагида эмас, балки унинг ўзини ва оиласини яхши танийдиган, биладиган муҳит — маҳаллада ҳал этилмоқда.

“Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти” ғояси асосида 10,6 миллион нафар ёшни бирлаштира олдик. Мазкур тамойил орқали маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирлар республикадаги барча маҳаллада кўчама-кўча йўлга қўйилди. Ёшлар етакчилари ташкил этаётган бу тадбирлар ўғил-қизлар учун шунчаки кўнгилочар машғулот эмас, балки тенгдошларни ўзаро яқинлаштириш, муаммоларни жойида ҳал қилиш, янги истеъдодларни кашф этиш ҳамда фаоллар сафини кенгайтиришга қаратилди. Бу орқали эса ҳисоботлар учун ўтказиладиган тадбирбозликлардан воз кечилиб, маҳаллаларда ёшлар масаласини бевосита ҳал этиш тизимига асос солинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги танлов ва мусобақаларнинг маҳалла босқичида биринчи мавсумда 6,2 миллион, иккинчи мавсумда 7,2 миллион ёш қатнашди. Олимпиадада ғолибликни қўлга киритган 279 та маҳалла ва 208 та туман (шаҳар)да 1 тадан, жами 487 та спорт майдончаси қурилмоқда. Энди ҳар бир маҳалла ўз кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлади.

> **2022-2023 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ ТАЪЛИМ КОНТРАКТЛАРИНИ ТЎЛАШ УЧУН ҚИЗЛАРГА ИЛК МАРОТАБА ЕТТИ ЙИЛ МУДДАТГА ФОИЗСИЗ КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ. БУНИНГ УЧУН ЖОРИЙ ЙИЛДА БАНКЛАРГА БИР ТРИЛЛИОН 800 МИЛЛИАРД СЎМ, КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛДА 8 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛАДИ. ЎТГАН ВАҚТ ДАВОМИДА ШУ МАҚСАДЛАРДА 85 188 ХОТИН-ҚИЗГА 983 613,1 МИЛЛИОН СЎМ ФОИЗСИЗ ТАЪЛИМ КРЕДИТИ АЖРАТИЛГАН.**

Тинчлик қўрғони

Маҳалла тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонидир. Шунинг учун бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади. Маҳалла ўз муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилиб, молмулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади. Бундан ташқари, ўтган йилдан эътиборан “Ёшлар баланси” асосида маҳаллаларнинг ёшлар билан ишлаш самарадорлиги кўрсаткичини “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларда баҳолаш тизими йўлга қўйилиб, ҳудуднинг тоифасини белгилашда ёшларга зарур шароит ва инфратузилма яратилгани эътиборга олинмоқда.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кутубхона, спорт майдончасидан ташқари, ёшларни касб-ҳунарга ўргатадиган кичик устахоналар, сузиш ҳавзалари, сайилгоҳ кўчалар, қўшиқрақс майдончалари каби фойдали ва кўнгилочар масканлар ташкил этилиши ҳам ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Бунда 2023 йилдан туман ва шаҳарларнинг шароити, салоҳияти ва имкониятидан келиб чиқиб, бешта тоифага ажратиш амалиёти ҳам ўз самарасини кўрсатади. Негаки, энди тадбиркорлик учун субсидия, кредит ва компенсациялар тоифаларга кўра ажратилади.

Оилавий қадриятларни қадрлаш

Катталарга ҳурмат кўрсатиш, оилавий қадриятларни эъзозлаш ўзбек оилаларида фарзанд тарбиялашнинг бирламчи кўриниши сифатида сақланиб қолган. Бундай нодир урф-одатларимиз, қадриятларимиз тарбиянинг миллий кўринишидир. Айтиш жоизки, бу борада миллий тарихимиз энг катта тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳаққоний тарихимизни ўрганиш, тадқиқ этиш, яқин ва узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг ҳақиқий қиёфасини ёшларга кўрсата олишимиз зарур. Юксак тарихий тафаккурсиз буюк келажак бўлмайди.

Дарҳақиқат, ёшлар қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганиши зарур. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Бу борада Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан дастлабки хайрли ишлар бошланди. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва асарлари ҳақидаги маълумотларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш учун “Жадидлар” тўплами тайёрланиб, таълим муассасалари ва маҳаллаларга етказилди. Алломаларимизнинг нафақат илмий меросини, балки бутун умри давомида илм излашдаги ўзига хос ҳаёт тарзини ўзимизга ўрнак қилиб олсак, эзгу ғоялар йўлида танлаган мақсадимиздан адашмаймиз ва ёшларимизни ҳам тўғри йўлга бошлаган бўламиз.

Шу йўналишда маҳаллаларда ҳар бир оиланинг ўзига хос “оилавий анъаналари”ни намуна сифатида кўрсатиш, тарғиб қилиш учун кўргазма ва танловлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Кўргазма лойиҳаси оилавий қадриятларни сақлаш, урф-одатларни ривожлантириш, таълим, болалар ва ота-оналарнинг ижодий тарбияси ҳамда бўш вақтини ўтказишга қаратилган бўлиши мумкин. Албатта, биз тарихий ва миллий урф-одатларимиз, тарбия усулларимиз ҳақида қанча куйиниб гапирмайлик, замон янгиланмоқда, “замонавий тарбия” деган ибора тилимизга кирди. Замонавий технологиялар ва яшаш тарзи фарзандлар тарбиясига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Тарбия қизлар фитратида қандай акс этади?

Бобо-момоларимиз қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, каттага ҳурмат, одоб, хушфеъллик, ор-номус, ҳаё ва ибо сингари мезонларни болаликданоқ онгига сингдирган. Энди бунинг ўзи кифоя қилмайди. Бугун уйда тарбия топаётган қизларимиз эртага — замонавий асрда жамиятнинг устуни бўладиган ёш авлодни дунёга келтиради, тарбиялаб вояга етказади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, тўғри бўлади. Ана шунда қизлар тарбияси нечоғлиқ долзарб масала экани ойдинлашади.

Шунинг учун давлатимиз қизлар таълимига алоҳида эътибор қаратмоқда. Эҳтиёжманд оилалар қизлари учун ажратилган грантлар сони икки баробар кўпайтирилиб, икки мингтага етказилди. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб магистратурада тўлов-шартнома асосида ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пулини давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби тасдиқланди. Низомга кўра, давлат ОТМ, шу жумладан, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Бош прокуратура академияси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Банк-молия академиясининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қайтариш шартисиз қопланади. Эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланади.

Шунингдек, 2022–2023 ўқув йилидан бошлаб таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк маротаба етти йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби йўлга қўйилди. Бунинг учун жорий йилда банкларга бир триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм ажратилади. Ўтган вақт давомида шу мақсадларда 85 188 хотин-қизга 983 613,1 миллион сўм фоизсиз таълим кредити ажратилган.

Ёшлар ишлари агентлигининг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бири 30 ёшгача бўлган ёш хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирокини рағбатлантириш учун корхона-ташкилотларнинг саъй-ҳаракатини бирлаштириш, республикада қабул қилинган қонун ҳужжатларини амалда рўёбга чиқариш бўйича тарғибот ишларини олиб боришдир.

Шу мақсадда Ўзбекистонда ёш хотин-қизлар билан ишлашнинг замонавий модулини яратишга мўлжалланган “Қизлар овози” платформаси ишлаб чиқилди. 5 та йирик лойиҳани ўз ичига олган ушбу платформа доирасида барча ҳудудларда “Қизлар овози” клублари иш бошлади. Ўтган йили илк бор “Қизлар овози” республика форуми ҳамда халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Бугунги кунда 14 та ҳудудий, республика клубларида 11 минг нафардан ортиқ қиз фаол иштирок этмоқда.

“Бир нуронийга ўн нафар ёш”

Ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, спортга жалб этиш масаланинг бош ечимидир. Шу мақсадда ҳар бир маҳаллада “Бир нуронийга ўн нафар ёш”, “Нуроний ва ёшлар”, “Уч авлод учрашуви” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Масалан, “Бир нуронийга ўн нафар ёш” тамойили асосида 100 мингдан зиёд уюшмаган — тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ва ишсиз ёш нуронийларга бириктирилиб, улар томонидан “Нуроний ва ёшлар”, “Уч авлод учрашуви” тадбирлари ўтказилди.

Замон талаби шуки, мактабларда ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга, уларни касб-ҳунарга ҳам кўпроқ қизиқтириш керак. Чунки мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келмоқда. Шу боис, 2023 йилдан янги дастур амалга оширилиб, ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча колледж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади.

Бу борада Ёшлар ишлари агентлиги томонидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2022 йилнинг ўзида “Ёшлар дафтари” кўмагида 38 136 нафар ишсиз ёшга меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар олиб берилди, 8 899 нафар ёш ҳайдовчилик касбига, 5 631 нафар ўғил-қиз “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида замонавий касб-ҳунарларга ўқитилди, 3 000 дан зиёд ёш устоз-шогирд анъанаси асосида уста-ҳунармандларга бириктирилди. “Ёшлар — келажагимиз” давлат дастури доирасида e-kasb-uz платформаси ташкил этилиб, 10 мингдан ортиқ ёш замонавий касб-ҳунарларга масофавий ўқитилганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Комил тарбия жаҳолатга йўл бермайди

Касб-ҳунарли киши оиласига, жамиятга наф келтиради. Бундан, энг аввало, унинг ўзи маънавий ҳузур топиб, оиласини, Ватанини севишни, унинг келажаги учун қайғуришни бошлайди. Тийнатида “яхшилик”, “шараф”, “виждон”, “адолат” сингари тушунчалар шаклланиб боради. Демак, биз уюшмаган ёшларни бирор фойдали юмушга жалб этишни истар эканмиз, уларга касб-ҳунар ўргатишимиз шарт.

Ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи “Ёшлар мурожаати” электрон платформаси яратилди.

Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузувчи ёт ғояларга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун уламо ва олимларимиз билан биргаликда барчамиз муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб борамиз.

Аждодлар меросини унутган халқ тараққиётга эришмайди

Албатта, тарихига назар солмаган, аждодларининг илмий меросини унутган халқ ҳеч қачон келажакда тараққиётга эришмайди. Чунки бу асрлар давомида миллатни миллат қилиб шакллантирган восита, унинг ўтмиши ва аждодларининг эзгулик йўлидаги панд-насиҳатлари, бой илмий-маънавий мероси ҳисобланади. Шу кунларда Франциядаги машҳур Лувр музейида давом этаётган миллий кўргазма ҳам халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий сайёҳларга янада кенгроқ таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Дарҳақиқат, ёшлар алломаларимизнинг илмий-маънавий меросига, тарихига мурожаат қилиши керак. Улар тарихга мурожаат этса, кўпроқ китоб ўқиса ҳамда ўрганган илмига амал қилса, албатта, бугунги кундаги глобал муаммолар, мафкуравий хавф-хатарлар бизга таҳдид сола олмайди.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида ёшлар таълим-тарбияси, касб-ҳунар эгаллаш, она тилимиз ва хорижий тилларни ўрганиш, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилди. Албатта, бу вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бугун Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улкан марраларни кўзлаганмиз. Бундай юксак мақсад йўлида маънавияти бутун, тарбияли, тафаккури теран, етук авлод мамлакатнинг мустаҳкам таянчи, учар қанотлари бўлиши зарур.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
14144 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 21:20 Топширилди — 22:40